

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Қорабоев Шухратжон Ахмаджонович,
Инамова Гулигавҳар Абдуллаевна,
Алабаев Собитхон Ибрагимович,
Наманган муҳандислик қурилиш институти
катта ўқитувчилари
E-mail: g.inamova@mail.ru**

Аннотация: Мақолада мамлакатни ижтимоий иқтисодий юксалиш учун асосий омил ҳисобланган эркин иқтисодий зоналар, уларнинг жозибадорлиги ва уни баҳолаш мезонлари зарурлигини назарий асослари ёритилган. Бу ўз навбатида ҳар бир вилоятни ўзининг минерал ва ресурс бойликларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва ривожлантиришни талаб қилинади. Айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, экспорт салоҳиятини ошириш диверсификацион сиёсатни кучайтириш минтақалар иқтисодиётини барқарорлигини ва мамлакатимиздаги ҳозирги ҳолати ёритиб берилган.

Аннотация: В статье излагаются теоретические основы необходимости свободных экономических зон, как важнейшего фактора социально-экономического роста страны, и их привлекательности а также критериев ее оценки. В свою очередь, это требует чтобы каждый регион размещал и развивал производственные силы на основе своего минерального и ресурсного богатства. Автором подчеркивается усиление политики диверсификации малого бизнеса и частного предпринимательства, увеличение экспортного потенциала и текущее состояние экономики в регионах.

Abstract: The article outlines the theoretical basis for the need for free economic zones, as the most important factor in the country's socioeconomic growth, and their attractiveness and evaluation criteria. In turn, this requires that each region locates and develops productive forces based on its mineral and resource wealth. The author emphasizes the strengthening of the policy of diversification of small business and private entrepreneurship, an increase in export potential and the current state of the economy in the regions.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестицион жозибадорлик, ҳаракатлар стратегияси, салоҳият, бозор конъюктураси, стратегик дастур, иқтисодий зона, sanoat зона.

Кириш

Мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналарни (ЭИЗ) маҳаллий минерал-хомашё ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий корхоналар ташкил этиш, республика ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланиш, шу аснода янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини ошириш учун хорижий, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг муҳим омили сифатида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини тартибга соладиган мустаҳкам қонунчилик ва меъёрий база яратилди, уларни ривожлантириш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашадиган кенг кўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар тизими шакллантирилди. Айни пайтда республикамизнинг 10 минтақасида 14 та ЭИЗ ташкил этилди ва фаолият юритмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ва 2016 йил 26 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари мамлакатнинг давлат ва жамият ривожланиши истиқболини стратегик режалаштириш тизимида сифат жиҳатдан янги ёндашувларни бошлаб берди.

Бу эса ўз навбатида ҳудудларни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда эркин иқтисодий зоналар ҳиссасини ошириш, лойиҳа бўйича бошқариш тамойиллари асосида эркин иқтисодий зоналарда, кластер ёндашувлардан кенг фойдаланган ҳолда ушбу зоналар иштирокчилари ўртасида яқин кооперация алоқаларини йўлга қўйиш, маҳаллий хомашё ва материаллар асосида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича юқори технологияли замонавий корхоналар ташкил этиш ҳамда етакчи хорижий компания ҳамда корпорациялар иштирокида юқори технологияли замонавий инновацион ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестициялар, авваламбор, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича энг қулай шароитлар яратиш, эркин иқтисодий зоналар, уларнинг жозибадорлиги ва уни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳамда унинг назарий асослари муҳим аҳамият касб этади.


Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш, иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти, уларни ривожлантириш масалалари бўйича кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Бу борада хорижий олимлардан эркин иқтисодий зоналарнинг географик жойлашуви ва уларда логистик хизматларни ташкил этиш бўйича R.J.McCalla [1], эркин иқтисодий зоналар назарияси ва амалиёти тўғрисида M.Guangwen [2], эркин иқтисодий зоналар фаолияти, унинг иқтисодиётдаги ўрни ҳақида Я.С.Друзик [3], халқаро иқтисодиётда эркин иқтисодий зоналар фаолияти бўйича Н.В.Черненко [4]ларнинг илмий ишларини келтириб ўтиш мумкин.

Амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий назарий изланишларга қарамай, айнан бугунги глобаллашув ва демократик бозор ислохотлари шароитида эркин иқтисодий зоналар фаолиятини кенг қамровли статистик таҳлил қилишни такомиллаштириш, иқтисодий фаолиятига таъсир қилувчи омилларни статистик моделлар асосида баҳолашга қаратилган масалалар тизимли ҳолда ёритиб берилмаган шу боис танланган мавзу доирасида илмий тадқиқотлар олиб борилишини тақазо этади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш ва келгуси истиқболлари, уларнинг самарадорлиги тўғрисида таҳлилларни амалга оширишда ҳамда эркин иқтисодий зоналарининг самарадорлигини баҳолаш учун 5 та асосий кўрсаткичлар гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар ўз навбатида кичик гуруҳларга бўлинади. Ушбу кўрсаткичларни аниқроқ кўрсатиш учун уларни тизимлаш мумкин.



1-расм. Эркин иқтисодий зоналар самарадорлигининг баҳолаш йўналишлари

Манба: Тадқиқот натижалари асосида муаллифлар ишланмаси.

Иқтисодий зонанинг самарадорлигига баҳо бериш ҳар бир кўрсаткичлар гуруҳи учун прогноз кўрсаткичлари бажарилишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Белгилаб олинган режа бажарилиш даражасини аниқлаш бўйича эркин иқтисодий зоналарнинг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичларига прогноз ва ҳақиқатдаги қийматлар таққосламаси орқали баҳо берилади. Баҳолаш 5 балли қийматда белгиланиб, бажарилган ишлар ҳолатини баллар бўйича ўрнатилган мезонлар асосида назоратга олиш белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон иқтисодиёти тажрибасида эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини баҳолаш жараёнида айрим оралиқлар ҳисобга киритилмасдан ёки оралиқларнинг такрорланиши бир қатор ноқулайлик келтириб чиқаришга сабаб бўлади. Шу боис, бизнинг фикримизча баҳолашни қуйидаги 2-жадвалда келтирилган мезонлар асосида режа бўйича баҳолаш мақсадга мувофиқ бўлади.

2-жадвал

Эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини баҳолаш

Режада белгиланган кўрсаткичлар бажарилиш даражаси, %	Режада белгиланган кўрсаткичлар бажарилиши бўйича баллар
90-100 %	5
70-89,9 %	4
51-69,9 %	3
41-50,9 %	2
35-40,9 %	1
20-34,9 %	0

Манба: Муаллифлар ишланмаси

Режада белгиланган кўрсаткичлар бажарилиши бўйича олинган баллар асосида Эркин иқтисодий зоналар самарадорлиги қуйидаги мезонлар бўйича ҳулоса қилинади (3-жадвал).

3-жадвал

Эркин иқтисодий зоналар самарадорлигини баҳолаш мезонлари

Режада белгиланган кўрсаткичлар бажарилиши бўйича балл.	Натижалар бўйича ҳулосалар
5-4 балл	Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатмоқда
4-3 балл	Эркин иқтисодий зоналар етарли даражада самарали фаолият кўрсатмоқда
3-2 балл	Эркин иқтисодий зоналарларнинг шартли фаолият кўрсатиши алоҳида минтақаларда такомиллаштириш зарурияти билан боғлиқ
2-1 балл	Эркин иқтисодий зоналарлар фаолияти самараси паст даражада
1 баллдан паст	Эркин иқтисодий зоналарлар фаолияти самарасиз

3-жадвалда келтирилган мезонлар бўйича ҳар қандай эркин иқтисодий зона фаолияти самарадорлигига баҳо бериш мумкин. Албатта, бунинг учун юқорида таъкидланган кўрсаткичларни аниқлигига ва ишончлилигига аҳамият бериш лозим.

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон тажрибаси ва амалиётида ҳар бир мамлакатнинг ўз миллий иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича ўзига хос тажриба ва анъаналари мавжуд. Ҳозирда ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти тараққий этишига асос бўлган усуллардан бири бу мамлакатда маълум бир ҳудудни ёки бутун бир кичик мамлакатлар ўз иқтисодиётини эркин иқтисодий зонага айлантириб ривожланиш сари қадам қўйганлар.

Эркин иқтисодий зоналарни асосан муайян бир давлатнинг маълум бир минтақаси ёки алоҳида бир ҳудудда ташкил этиш иқтисодий жиҳатдан самарали ҳисобланади. Аммо ҳудуди ва маъмурий бошқарув тизими унча катта бўлмаган алоҳида давлатларнинг бутун иқтисодиёти эркин иқтисодий зоналарга айлантирилган ҳоллар ҳам учраб туради. Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишдан асосий мақсад қисқа муддатларда мамлакатни ривожланган жаҳон ҳамжамияти аъзолари қаторига қўшиш ва хорижий инвестицияларни жалб этишни тезлаштиришдан иборат.

Ушбу зоналарнинг ташкилий тузилиши ва номланиши турлича бўлсада, уларни ташкил этишдан асосий мақсад имкон қадар хорижий инвестицияларни, замонавий техника ва технологияларни жалб қилиш ҳисобига мавжуд иқтисодий, молиявий ва ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ва жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилашдир.

Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий маконларни ташкил этиш ва ривожлантиришга бевосита жавоб берадиган ва кафолатлайдиган меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш ва иқтисодиётга жорий этиш 1995 йилда бошланди. 1995 йил 30 августда «Концессия тўғрисида»ги, 1996 йил 25 апрелда «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги, 1996 йил 29 августда «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди ва иқтисодиётга жорий этилди.

Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши хорижий инвестицияларнинг иқтисодиётимизга кириб келишига инвестициялар ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига ижобий таъсир кўрсатди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 14 та эркин иқтисодий зона фаолият юритмоқда. «Навоий», «Ангрен», «Жиззах», «Ургут», «Ғиждувон», «Қўқон» ва «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зоналарида умумий қиймати 486 миллион долларга тенг 62 лойиҳа амалга оширилган, 4 минг 600 дан ортиқ иш ўрни яратилган. Фармацевтика соҳасига ихтисослашган «Нукус-фарм», «Зомин-фарм», «Косонсой-фарм», «Сирдарё-фарм», «Бойсун-фарм», «Бўстонлиқ-фарм», «Паркент-фарм» сингари 7 янги эркин иқтисодий зонани ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу зоналарда умумий қиймати 535 миллиард сўмга тенг 1021 лойиҳа амалга оширилган, 9 минг 600 дан зиёд иш ўрни яратилган. Лойиҳалар доирасида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам харидоргир бўлган енгил саноат, кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр техникаси буюмлари, замонавий қурилиш материаллари, мебель ва бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, 248 лойиҳани амалга ошириш натижасида 11 минг янги иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Таъкидлаш керак, ўтган йил “Жиззах” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида 76,9 млн. доллар бўлган 15 та лойиҳа ишга туширилиб, 917 та янги иш ўрни ташкил этилган. Йил якуни бўйича ишлаб чиқириш ҳажми 205,9 млрд. сўмни, экспорт ҳажми эса 4,1 млн. долларни ташкил этди. Шу билан бирга депутатлар Жиззах эркин иқтисодий зонасини ўрганиш жараёнида 2018-2019 йилларда амалга ошириладиган ишлар ҳамда ишланаётган инвестиция лойиҳалари билан ҳам яқиндан танишдилар. Хусусан, қиймати 275,5 млн. доллар бўлган 6 та инвестиция лойиҳалари бўйича ишлаб чиқариш биноларини қурилиш ва ускуналарни ўрнатиш ишлари бошлангани маълум бўлди. Бугунги кунда мазкур эркин иқтисодий зонада маъмурий Кенгаш қарорларига мувофиқ, ишлаб чиқилган қиймати 18 млн. доллар бўлган 3 та истиқболли инвестиция лойиҳалари бўйича потенциал инвесторларни жалб қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бу соҳада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги[5] фармонида мувофиқ:

- эркин иқтисодий зоналарни янада ривожлантириш учун тартиб-таомилларни соддалаштириш, инвестор ва тадбиркорларни жалб этишни кенгайтириш;
- эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, хориждан юқори технологик ускуналар харид қилиш;
- кичик саноат зоналарининг сармояларни жалб қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш;
- эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини электр энергияси, табиий газ, сув ва бошқа коммуникация тармоқлари билан барқарор таъминлаш каби вазифалар белгилаб берилди.

Фармонда келтирилган устувор вазифаларнинг бажарилиши ва уни танқидий таҳлил асосида ўрганиш мақсадида “Мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича амалга

оширилаётган ишлар самарадорлиги таҳлилига бағишланган йиғилиш”[6] да “...тегишли вазирлик, идора ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бу соҳадаги фаолиятини танқид қилиб, уларда ташаббускорлик етишмаслиги, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича ишларни ташкил қилиш даражаси сустлигини” таъкидладилар.

Бу эса ўз навбатида соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар назоратини кучайтириш ва белгиланган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш лозимлигини белгилаб беради.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиши оқибатида мамлакатга кўплаб инвестицияларни оқиб келишини кузатишимиз мумкин. мамлакат ташки иқтисодий фаолияти янада ривожланиб, ташқи савдо, экспорт импорт операциялари янада риволанади. Бу эса мамлакат иқтисодиётини янада барқарорлаштириб, уни ривожланишига олиб келади.

Бунинг учун авваламбор, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этишда ҳудудларни, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва жойлашув манзиллини тўғри танлаш;

ҳудудлар имкониятидан келиб чиққан ҳолда эркин иқтисодий зоналар фаолияти йўналишини ва истиқболини аниқлаш;

эркин иқтисодий зоналарда кластер ёндашувлардан кенг фойдаланган ҳолда зоналар иштирокчилари ўртасида яқин кооперация алоқаларини йўлга қўйиш;

чет элда ва мамлакат ваколатхоналарида эркин иқтисодий зоналар манфаатларини кўзловчи, инвесторларни жалб этиш учун информацион реклама тадбирларини ўтказиш;

оммавий ахборот воситалари ва интернет саҳифаларида мамлакатда ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар имкониятлари ҳамда салоҳияти бўйича жозибadorлигини ифодаловчи рекламаларни кучайтириш”

эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва уларнинг самарадорлигини баҳолашда юқорида келтирилган баҳолаш мезонлари бўйича аниқлаш каби чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши натижасида мамлакат иқтисодиётини ривожланиши, экспорт салоҳиятини ошиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини равнақи ва иқтисодиёт барқарорлиги, энг асосийси жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиб ўз мавқеига эга бўлишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. McCalla R.J. The Geographical Spread of Free Zones Associated with Ports // Geoforum 21 (1) (1990): 123–128.

2. Guangwen M. The Theory and Practice of Free Economic Zones: A Case Study of Tianjin, People’s Republic of China // Doctoral Thesis, Ruprecht-Karls University of Heidelberg, Germany, 2003.

3. Baraga H.C. Prospects for Free Zones Under FTAA // Paper presented at the Integration in the Americas Conference, Latin American and Iberian Institute, University of New Mexico, 02 April 2006.
4. С. В. Приходько, Н. П. Воловик Особые экономические зоны /; Консорциум по вопр. приклад. эконом. исслед., Канад. агентство по междунар. развитию [и др.]. – М. : ИЭПП, 2007. – 268 с
5. Друзик Я.С. Свободные экономические зоны. М.: ФУАинформ, 1999.
6. Черненко Н.В. Свободные экономические зоны в мировой экономике // Вестник БГЭУ, 1998.
7. Кузнецов Ю.И. Свободные зоны и национальная экономика. М.: Дрофа, 1998
8. Смородинская П.А., Капустин А.С. Свободные экономические зоны: мировой опыт и российские перспективы. Вопросы экономики. 2012. № 27, с. 126-140
9. <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/49677-erkin-iqtisodiy-zonalar-hududida-soliqlar-va-bojxona-tulovlari-imtiyozlarining-ahamiyatli-jihatleri>
10. Смородинская П.А., Капустин А.С. Свободные экономические зоны: мировой опыт и российские перспективы. Вопросы экономики. 2012. № 27, с. 126-140
11. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–4853-сонли Фармони 26.10.2016 й. Lex. uz
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Мамлакатимиздаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги таҳлили”га бағишланган йиғилишдаги маърузаси 9.10.2017 й.